Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 117 (7. 206) ◎ 1990 йил 25 май, жума ◎ Баҳоси 3 тийин

Бу ҳақда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида гапирилди

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР: ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

◎ Маълумки, XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси жумҳурият пойтахтининг иқтисодий ҳаётига, ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятига катта эътиборни қаратди. Конференция ҳисобот маърузасида саноат корхоналари ишини яхшилаш, халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бунинг йўлларн хусусида кенг тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда ниҳоятда муҳим саналган ташқи иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги қувончлидир.

ТОШКЕНТ шаҳри жумҳуриятимизнинг асосий иқтисодий марказларидан ҳисобланади. Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиётига оид масалалар айнан шу ерда ҳал қилинади. Шундай экан, ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳозирданоқ астойдил киришиш зарур. Умуман, келгусида фан-техника тараққиётини бундай ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин.

Жумҳуриятимизда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, ҳозир пойтахтимизда ташқи иқтисодий алоқаларнинг 33 қатнашчиси бор.

Узаро ҳамкорлик ҳақида гап очганда четдан мол олиш ва мол сотиш масаласига тўхталиб ўтиш зарур. Бугун Тошкент шаҳридаги 28 корхона чет элларга маҳсулот етказиб бермоқда. Ўтган йили улар етказиб берган маҳсулот қарийб 5 фоизга кўпайди ва 40 миллион сўмликка яқинлашди. Уларнинг аксарият қисми Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи, Урта Осиё кабель, «Тошкент трактор заводи», «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент тўқимачилик комбинати зиммасига тўғри келади. Лекин четга жўнатилаётган маҳсулот нархи ўзгармаган ҳолда, хом ашёларнинг нарх-навоси ортиб бораётганлиги бу соҳада мувофиқлаштирувчи тадбирлар зарурлигини кўрсатяпти. Бу биринчи навбатда пахтадан тайёрланаётган маҳсулотларга тегишли. Шу билан бирга четга юборилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига бошқа турдаги маҳсулотлар билан рақобат сифати пасаяётганлиги ҳам ачимталаб муаммолардан ҳисобланади. Вақоланки биз маҳсулотларимизни ўз ҳудудимизда қолдирмай четга чиқарар эканмиз, уни қимматроққа сотишимиз зарур. Лекин бугун жумҳуриятимиз, шу жумладан Тошкент саноат корхоналарининг аҳволи ҳаммамизга маълум. Қолоқ технологик жараёнлари ва бошқарув тажрибаси оммалаштирилади. Қолаверса ички бозор чет элларда тайёрланган моллар ўрнини босадиган сифатли буюмлар билан бойийди. Ҳамкорлик асосида иш юритиш биздаги мавжуд моддий ва молиявий бойликлардан самарали фойдаланиш ҳамда базани кенгайтириш имконини бериши ҳам сир эмас. Чет эл фирмалари шу йўсинда иш олиб боришдан манфаатдордир. Чунки ишчи кучи, хом ашё ва энергия қувватлари уларга бирмунча арзонроқ тушади.

Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқида 1274 та ҳамкорлик корхонаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 90 фоизи капиталистик мамлакатлар иштирокида барпо этилган. Ўзбекистонда ҳамкорлик корхоналари сони атиги 13 тагина. Жумҳурият корхоналарининг бу йўналишдаги тажрибасизлиги, ҳамкорлик корхоналари ҳақида махсус қонун-қоидаларнинг йўқлиги шундай ҳолга сабаб бўляпти чамаси. Қолаверса, ҳозиргача мавжуд бўлган иқтисодий ҳамкорлик корхоналарининг тажрибаси ҳали оз, албатта. Буни чет эллик шерикларимиз ҳам бугун машинасозлик, ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё саноати, деҳончилик соҳасига маблағлар ажратишмаётганида кўриш мумкин. Чет элликлар ҳар бир ишнинг моддий манфаатдорлигига ишонишгач, шундан кейингина ишга киришадилар. Юқорида тилга олинган соҳалар эса бир икки йилда эмас, балки узоқроқ муддатдан кейингина фойда келтириши мумкин. Бу афтидан чет элликларни қониқтирмаётганга ўхшайди. Улар асосан қисқа фурсатда фойда олишни режалаштирадилар, шекилли. Мамлакатда мавжуд қўшма корхоналарнинг атиги 4,9 фоизи машинасозлик, 4,4 фоизи деҳқончилик саноатига тегишлидир. 32,5 фоизи савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларга оиддир.

Мавжуд ҳамкорлик корхоналарининг техник савияси турлича эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларда мукаммал ишлаб чиқариш техникаси билан бирга ўртамиёна техникадан ҳам фойдаланиляпти.

Бунн Тошкент шаҳридаги қўшма корхоналар мисолида яққол кўриш мумкин. Аммо шунга қарамай «Вариант» совет—болгар корхонаси ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаришга мослашган. «Узбекпластик» бирлашмаси ва Италиянинг «Алма роза» фирмасининг қўшма корхонаси «Совпластитал» эса пластмассадан тайёрланган халқ истеъмоли моллари билан шуҳрат қозонди. 1989 йилда мазкур корхонанинг меҳнат самарадорлиги 36,8 минг сўмликни ташкил этди. Бу эса Иттифоқимиздаги барча химия саноати корхоналари маблағидан 2 минг сўм ортиқроқдир. Совет — Хитой корхонасида ишлаб чиқарилаётган термослар ҳам ўз харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Демак, жумҳуриятимизда бундай ҳамкорлик корхоналарини кўпроқ ташкил этиш даркор экан! Йирик иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда у муҳим ўрин тутиши лозим. Уларни ташкил этишда аввалambор ички бозор истеъмолчилик талаби ҳисобга олинниши керак.

Ўзбекистон иқтисодини тараққий эттириш лозим бўлган тармоқлар талайгина. Шу кунларда ҳудудий хўжалик ҳисоби ҳамда бозор муносабатларини жорий қилиш ҳақида турли-туман фикрлар билдириляпти. Бу соҳада амалий тадбирлар зарур. Чорвачилик, ўсимликшунослик, йиғим-теримни механизациялаштириш, қайта ишловчи корхоналарда маҳсулотларни қадоқлаш соҳасида чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш пайти келди.

Ўзбекистон ниҳоятда катта бойликларга эга. Лекин қимматбаҳо пахта толаси, пилла, қоракўл терисини, чармни қайта ишловчи корхоналар бизда етарли эмас. Уларнинг Иттифоқдош жумҳуриятларга арзон нархларда сотиб юборилиши жумҳуриятимиз иқтисодиётига зарар келтирмай қолмайди. Бу маҳсулотларни, чет эл фирмаларининг ёрдами билан қайта ишловчи технология жорий этилса, нур устига нур бўлар эди.

Ҳамкорлик корхоналарининг чет эл учун маҳсулот чиқарыши корхона базасини мустаҳкамлаш ва валюта жамғармаларини ошириш имконини беради, деб таъкидладик. Бу эса ўз ўрнида маҳсулот турлари ва сифатини ошириш учун рақобатлашиш имкониятнни ҳам оширади. Самарали иш юритиш эса иқтисодимизга чет эл капиталини олиб кириш имконини беради.

Хуллас, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорликлар бугунги кун тартибидаги биринчи масалалардан биридир. Бу аввалambор иқтисодиётни тикласа, иккинчи томондан одамларимизнинг ишчанлигини оширади, бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал қилади.

XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида ҳамкорлик корхоналари сонини ошириш ниҳоятда зарурлиги ва бугунги мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати шаҳар аҳолиси эҳтиёжи учун етарли эмаслиги таъкидланди. Демак, бу муаммони ҳал қилиш фақат иқтисодчи олимларгина эмас, балки бевосита корхоналар ва министрликларнинг мутасадди раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассисларининг куч-ғайрати, уларнинг бу борада дадил ҳаракатлари ва ташаббускорлик кўрсатишларига ҳам боғлиқдир. Бизнингча энг муҳими ҳам ана шунда.

И. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. АЛИМОВ,
иқтисод фанлари номзодлари.

Қолаверса, бу жамғармаларни янада ошириш учун бор имкониятларни ишга солиш керак. Бунинг эса йўллари бор. Мана, бир мисол. Ўзбекистон ЮНЕСКО рўйхатларига кирган ажойиб маданий ва тарихий ёдгорликларга эга. Лекин Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларида яхши меҳмонхоналарнинг йўқлиги кўплаб сайёҳларни қабул қилиш имконини бермайди. Вақоленки чет эллик меҳмонлар учун шарт-шароитлар яратилса, валюта жамғармасини кўпайтириш мумкин бўларди. Кичкинагина Испания мамлакати чет элликлар саёҳатидан йилига 17 миллиард доллар даромад олади. Демак, шу йўл билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва яхшигина фойда олиш мумкин экан.

Узоқ йиллар давомида бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликка етарли эътибор берилмаганлиги юқоридаги камчиликларни келтириб чиқарди.

Сўнгги пайтларда ҳамкорликлар фақатгина савдо-сотиқ билан эмас, балки халқаро ишлаб чиқариш тармоқларининг такомиллашувида ҳам кўзга ташланади. Бундай тармоқлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутади.

Жумҳуриятимизда қўшма ҳамкорлик корхоналарининг бунёд этилганлиги ана шундай тармоқларнинг такомиллашувини кўрсатяпти. Жумҳурият ҳудудида чет эл корхоналари билан қўшма корхоналар ташкил этишдан ҳар икки томон манфаатдордир. Бунда Ўзбекистонда аввало чет эл технологик жараёнлари ва бошқарув тажрибаси оммалаштирилади. Қолаверса ички бозор чет элларда тайёрланган моллар ўрнини босадиган сифатли буюмлар билан бойийди. Ҳамкорлик асосида иш юритиш биздаги мавжуд моддий ва молиявий бойликлардан самарали фойдаланиш ҳамда базани кенгайтириш имконини бериши ҳам сир эмас. Чет эл фирмалари шу йўсинда иш олиб боришдан манфаатдордир. Чунки ишчи кучи, хом ашё ва энергия қувватлари уларга бирмунча арзонроқ тушади.

Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқида 1274 та ҳамкорлик корхонаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 90 фоизи капиталистик мамлакатлар иштирокида барпо этилган. Ўзбекистонда ҳамкорлик корхоналари сони атиги 13 тагина. Жумҳурият корхоналарининг бу йўналишдаги тажрибасизлиги, ҳамкорлик корхоналари ҳақида махсус қонун-қоидаларнинг йўқлиги шундай ҳолга сабаб бўляпти чамаси. Қолаверса, ҳозиргача мавжуд бўлган иқтисодий ҳамкорлик корхоналарининг тажрибаси ҳали оз, албатта. Буни чет эллик шерикларимиз ҳам бугун машинасозлик, ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё саноати, деҳончилик соҳасига маблағлар ажратишмаётганида кўриш мумкин. Чет элликлар ҳар бир ишнинг моддий манфаатдорлигига ишонишгач, шундан кейингина ишга киришадилар. Юқорида тилга олинган соҳалар эса бир икки йилда эмас, балки узоқроқ муддатдан кейингина фойда келтириши мумкин. Бу афтидан чет элликларни қониқтирмаётганга ўхшайди. Улар асосан қисқа фурсатда фойда олишни режалаштирадилар, шекилли. Мамлакатда мавжуд қўшма корхоналарнинг атиги 4,9 фоизи машинасозлик, 4,4 фоизи деҳқончилик саноатига тегишлидир. 32,5 фоизи савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларга оиддир.

Мавжуд ҳамкорлик корхоналарининг техник савияси турлича эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларда мукаммал ишлаб чиқариш техникаси билан бирга ўртамиёна техникадан ҳам фойдаланиляпти.

Бунн Тошкент шаҳридаги қўшма корхоналар мисолида яққол кўриш мумкин. Аммо шунга қарамай «Вариант» совет—болгар корхонаси ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаришга мослашган. «Узбекпластик» бирлашмаси ва Италиянинг «Алма роза» фирмасининг қўшма корхонаси «Совпластитал» эса пластмассадан тайёрланган халқ истеъмоли моллари билан шуҳрат қозонди. 1989 йилда мазкур корхонанинг меҳнат самарадорлиги 36,8 минг сўмликни ташкил этди. Бу эса Иттифоқимиздаги барча химия саноати корхоналари маблағидан 2 минг сўм ортиқроқдир. Совет — Хитой корхонасида ишлаб чиқарилаётган термослар ҳам ўз харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Демак, жумҳуриятимизда бундай ҳамкорлик корхоналарини кўпроқ ташкил этиш даркор экан! Йирик иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда у муҳим ўрин тутиши лозим. Уларни ташкил этишда аввалambор ички бозор истеъмолчилик талаби ҳисобга олинниши керак.

Ўзбекистон иқтисодини тараққий эттириш лозим бўлган тармоқлар талайгина. Шу кунларда ҳудудий хўжалик ҳисоби ҳамда бозор муносабатларини жорий қилиш ҳақида турли-туман фикрлар билдириляпти. Бу соҳада амалий тадбирлар зарур. Чорвачилик, ўсимликшунослик, йиғим-теримни механизациялаштириш, қайта ишловчи корхоналарда маҳсулотларни қадоқлаш соҳасида чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш пайти келди.

Ўзбекистон ниҳоятда катта бойликларга эга. Лекин қимматбаҳо пахта толаси, пилла, қоракўл терисини, чармни қайта ишловчи корхоналар бизда етарли эмас. Уларнинг Иттифоқдош жумҳуриятларга арзон нархларда сотиб юборилиши жумҳуриятимиз иқтисодиётига зарар келтирмай қолмайди. Бу маҳсулотларни, чет эл фирмаларининг ёрдами билан қайта ишловчи технология жорий этилса, нур устига нур бўлар эди.

Ҳамкорлик корхоналарининг чет эл учун маҳсулот чиқарыши корхона базасини мустаҳкамлаш ва валюта жамғармаларини ошириш имконини беради, деб таъкидладик. Бу эса ўз ўрнида маҳсулот турлари ва сифатини ошириш учун рақобатлашиш имкониятнни ҳам оширади. Самарали иш юритиш эса иқтисодимизга чет эл капиталини олиб кириш имконини беради.

Хуллас, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорликлар бугунги кун тартибидаги биринчи масалалардан биридир. Бу аввалambор иқтисодиётни тикласа, иккинчи томондан одамларимизнинг ишчанлигини оширади, бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал қилади.

XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида ҳамкорлик корхоналари сонини ошириш ниҳоятда зарурлиги ва бугунги мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати шаҳар аҳолиси эҳтиёжи учун етарли эмаслиги таъкидланди. Демак, бу муаммони ҳал қилиш фақат иқтисодчи олимларгина эмас, балки бевосита корхоналар ва министрликларнинг мутасадди раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассисларининг куч-ғайрати, уларнинг бу борада дадил ҳаракатлари ва ташаббускорлик кўрсатишларига ҳам боғлиқдир. Бизнингча энг муҳими ҳам ана шунда.

И. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. АЛИМОВ,
иқтисод фанлари номзодлари.



◎ ЖИЛОКОР. Тошкент мебель фабрикасининг қўли гул ишчиси Раъно Ғофурова. Т. Каримов сурати.

«ҚАЙТА ҚУРИШ ВА НАФОСАТ ТАРБИЯСИ»

◎ БУГУН В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг Маданият саройида ана шундай мавзуда биринчи илмий-амалий эстетик анжуман ўтказилмоқда. Шу дорилфунун этика ва эстетика кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Нурматовнинг анжуман қатнашчилари ҳузурида қилган маърузаси унинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шуни айтиш керакки, анжуман кун тартибидан эстетик ва нафосат тарбияси билан боғлиқ бўлган ранг-баранг маърузалар ўрин олган. Жумладан, математик ижод жараёнида нафосат тарбияси, тарихшуносликка доир машғулотларда тарихийлик ва эстетик ғоявийлик ақидаларининг ўзаро муносабати, фалсафий онг билан эстетик онгнинг ўзаро таъсири, талабаларнинг маънавий дунёси ва эстетик мерос, ёшларда илмий дунёқараш ва эстетик ақидалар мутаносиблиги, чет тили дарсларида талабаларни эстетик тарбиялаш, Шарқ тилларини ўқитишда, тарих дарсларида нафосат тарбияси билан боғлиқ масалалар, экологик тарбия билан нафосат тарбиясининг ўзаро мутаносиблигига бағишланган ва бошқа ранг-баранг мавзуларда ўқилган маърузалар ва анжуман қатнашчиларнинг нутқларида ҳозирги қайта қуриш шароитида олий таълимни юқори савияга кўтариш юзасидан давр илгари сурган вазифаларни бажаришнинг муаммолари ва ечимларига батафсил тўхталиб ўтилди.

С. БОБОЕВ.

ДАСТЛАБКИ АТАМАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан тилимизнинг турли соҳаларида, айниқса унинг атамалари хусусида матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида қизғин баҳслар бўлмоқда. Бунинг натижасида атамаларнинг турли-туман муқобиллари топилиб, газета ва журналларда, радио ва телеэшиттиришларда кенг қўлланилмоқда, шунингдек матбуот саҳифаларида махсус равишда ташкил этилган атамалар бурчагида ҳам кўплаб атама муқобиллари тавсия этиляпти.

Янги атамаларни ва уларнинг синонимларини тўғри танлаб, ўринли ишлатиш масаласида тилшунос олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистларимиз, илм-фаннинг турли соҳаларида ишлаётган мутахассисларимиз катта ёрдам бермоқдалар. Лекин, афсуски, ҳозирги пайтда матбуот саҳифаларида атамаларнинг турлича қўлланилаётганлигига дуч келяпмиз. Бу, бир томондан, тилимиз бойлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса, муайян чалкашликларга олиб келмоқда. Натижада идора ишлари, иш юритиш, ўқиш-ўқитиш жараёнида қийинчиликлар рўй бермоқда. Жумҳурият атамашунослик қўмитасига келаётган кўпдан-кўп хатлар ва истаклар шундан далолат беради.

Атамашунослик қўмитаси 21 май куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, мазкур долзарб масалани муҳокама қилди. Атамашунослар кейинги пайтда талай ишларни бажарганлиги, жумладан, энг кўп ишлатиладиган сўзлар, атамалар рўйхатини тузиб, турли идораларга, жумладан, матбуот идораларига юборганлиги, бунинг натижасида жуда кўп ва фойдали фикрлар тўпланганлиги алоҳида қайд этилди.

Энг зарур деб ҳисобланган расмий идора атамаларидан 14 таси тасдиқланди. Шу тариқа бу атамалар ҳаётга йўлланма олди.

Атамалар хусусидаги фикрлашув ва мунозараларни давом эттиришга қарор берилди.

Атама дуғатлари, тузиш қоидалари, матбуотда ҳар хил қўлланилаётган атамаларни тартибга солиш йўллари, қўмита бўлимларида муҳокама этилган атама луғатларини нашрга тавсия этиш хусусида ҳам бир фикрга келинди.

Атамашунослик қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Буюртмалар ўз вақтида

ҲАМКАСБЛАР ОЛҚИШИ

◎ ШАҲРИМИЗДАГИ картон-қути заводида ҳар бир ишчи ҳисобига йил бошидан бери тайёрланган маҳсулот 4 минг 640 сўмни ташкил этди. Бу режада белгиланганидан 113 сўм кўп.

Озиқ-овқат саноати ва савдо нозирлиги корхоналари буюртмасига биноан 20 хилга яқин буюм тайёрлаётган жамоа ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилида 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

◎ МАВЖУДА Дадабоеванинг номини «Учқун» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳурмат билан тилга олишади. Чунки бу тиришқоқ қиз тўқимачилик касбини эгаллаб олиб ҳамкасблари олқишига сазовор бўлди.

Мавжуда тайёрлаётган тўқимачилик-атторлик маҳсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки қардош жумҳуриятларда ҳам севиб харид қилинмоқда. Буни савдо пештахталарида атторлик моллари сотиладиган бўлимларда харидорлар доимо гавжумлигидан ҳам билса бўлади.

— Турли-туман безаклар туширилган тасмалар аёллар эгнидаги кўйлакларни янада кўркамлаштириб юборади, — дейди биз билан суҳбатда М. Дадабоева. — Бундай маҳсулотлар фақат бизнинг корхонамизда тайёрланади. Жумладан, яқинда ишлаб чиқаришга қўйилган пардоз ленталар тезда оммалашиб, унинг турлари 8 хилга кўпайди.

Бу ерда шуни мамнуният билан айтиш керакки, у тайёрлаётган маҳсулотлар Мозамбик ва Москвада бўладиган Халқаро савдо кўргазмасида намойиш қилинади.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Сўнгги қўнғироқ

◎ БУГУН шаҳримиздаги барча ўрта мактабларда сўнгги қўнғироқ садолари янгради. У шаҳримиз мактабларида ёзги таътил бошланганлигини ҳам билдирадн.

Анъанага кўра бу воқеа мактабларда ўзига хос байрамга айланиб кетди. Бу — тушунарли, албатта. Чунки ўтган ўқув йили мобайнида қилинган ишларга якун ясалади, таълим олишда юксак натижаларга эришганлар мукофотланади. Бугунги сўнгги қўнғироқ мактабни битирувчилар учун айниқса ҳаяжонли ва улар эсида қоладиган воқеадир. Бугун улар шанига эзгу-тилаклар билдирилди, шеърлар ўқилди, қўшиқлар ижро этилди.



Дарҳақиқат бугунги кунда ўрта мактабларни битираётган йигит ва қизлар олдида аввало келгусида қандай касб соҳиблари бўлиб етишишдек йўлни танлашдек масъулиятли вазифа турибди. Уларнинг мураббийлари битирувчиларнинг меҳнатсевар, ҳаётда юз берадиган катта ва мураккаб вазифаларни мустақил равишда ҳал эта оладиган инсонлар қилиб тарбиялаш борасида бутун билим ва маҳоратларини бахшида қилдилар. Энди ҳамма гап мактабларни битираётган йигит ва қизларнинг ўзларида қолди. Улар мактабда олган назарий билимларини ҳаёт синовларидан ўтказишлари керак, бу билан қайта қуриш муаммоларини ҳал этиш ишига фаоллик билан киришишлари лозим.

«Хайр, мактаб!» — Бугун синф доскаларига ана шу сўзлар йирик ҳарфлар билан ёзилди. Ўрта мактабни тугаллаётган ёшлар учун бу сўзлар охирги марта жаранглаган бўлса, куйи синф ўқувчилари учун у сентябрь ойигача янграган сўзлардир.

Хуллас, мактаб ўқувчиларини ҳаяжонли дамлар кутмоқда. Биз катта ҳаёт бўсағасида турган йигит ва омадлар тилаймиз, ҳали мактабда ўқишини давом эттираётган ўқувчиларга эса ёзги таътилни мароқли ўтказишларига тилакдошмиз.

◎ СУРАТДА: ўқув йилининг сўнгги қўнғироғи чалинди. Энди ёзги таътилга!

Р. Шарипов сурати.

Бирлашган Араб Амирлиги ва Англияда

◎ ЖУМҲУРИЯТ маданият министрлиги қошидаги «Интеркультура» ташаббуси билан Германия Федератив Республикасининг «Адмирал Атта» фирмаси ҳамкорлигида Бирлашган Араб Амирлиги ва Лондон шаҳрида савдо кўргазмасини ташкил этишади.

Бу савдо кўргазмада жумҳуриятда тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотлари, миллий таомлар ва ўзбек маданнятн ва санъати намойиш қилинади. Бунда «Баҳор» театри жамоаси, «Миконд», «Учқун» каби бир қатор корхоналар, савдо министрлиги бўлинмалари вакиллари, ўзбек миллий ошхонаси, «Мусаввир» пайчилар жамиятининг ёғоч ўймакорлик усталари ва бир гуруҳ рассомлар ўз асарлари билан қатнашади. Айни кунларда тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Д. МУРОДОВ.

Халқ ижоди байрами

эртага **Абул Қосим мадрасасида эрта билан соат 10 да Ўзбекистон маданият фонди, тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш шаҳар жамиятн халқ ижодига бағишланган ўзига хос байрамнни ўтказади.**

Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан заргарлар, ганч ва нақш усталари, тўқувчилар ташриф буюришди. Бу ерда ана шу усталар томонидан тайёрланган ранг-баранг, ўзига хос ҳар хил буюмлар билан танишиб, усталар билан суҳбатлашиш мумкин. Бундан ташқари ана шу буюмларни сотиб олиш ҳам мумкин бўлади.

Шу куни соат 16 да нонни эъзозлашга бағишланган бошқа байрам ҳам бўлиб ўтади. Вилоятларимизнинг турли чеккаларидан келган моҳир нонвойлар инсон учун жуда қимматли бўлган ранг-баранг нонларни қандай тайёрлаш ҳақида ўз маҳоратларини кўрсатишади. Байрам кунлари ана шу ерда ташкил этилган чойхонада чой ичиб усталар томонидан ёпилган иссиқ нонлардан татиб кўришингиз мумкин. Бундан ташқари ҳар хил ширинликлар, кабоб ва бошқа овқатлар ҳам тайёрланади.


МИЛИЦИЯГА — «ЖИГУЛИ» МАШИНАСИ

◎ ОКТЯБРЬ район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлинмасининг навбатдаги машиналари қаторидан янги «Жигулн» машинаси ўрин олди. Буни «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси олиб берди. Барча ҳамшаҳарларимиз каби бу корхона меҳнаткашлари ҳам шаҳримизда кўпайиб бораётган жиноятчиликдан ташвишга тушмоқда. Жамоанинг халқ дружиначилари навбатчилика чиққанларида милиция ходимларига ўз вазифаларини адо этишлари учун транспорт ва бошқа техник жиҳозлар етишмаслигини ўз кўзлари билан кўришди. Шунинг учун ҳам шанбалик ўтказиб, умумхалқ ҳашаридан тушган маблағни район ички ишлар бошқармасига ўтказишни бир овоздан маъқуллашди.

Матбуотчилар тантанали суратда «ВАЗ—21063» маркали «Жигули» машинасини Октябрь район ички ишлар бўлимига топширишди. Ҳозир район бўлими ихтиёрида меҳнаткашлар томонидан ўтказилган 100 минг сўм пул бор. Бу моддий томондан эмас, балки маънавий томондан кўрсатилаётган ҳамхўрлик бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатади.

Олдинги йилларга қараганда бугунги кунда милиция хизматчиларининг ишончини қозонаётганлиги, ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликка риоя этилиши устидан назорат кучайтирилаёт

КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИ



Абдусамат Маманов СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келади. Бу меҳнат илғори корхона касаба уюшмаси фаоли сифатида ҳам ишчиларга қулай шароитлар яратиш ва уларнинг мазмунли дам олишларини намунали ташкил этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Р. Шарипов сурати.

ЮРАК ДАРДИ

ТОШКЕНТ шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-қурилиш трести бинокорлари ишлаётган Жарариқ даҳасида кўчма буфет очилди. Трестнинг бир йўла бешта қурилиш бошқармаси ишчилари бу ерда турар жой биноларини бунёд этишаяпти. 200 га яқин киши меҳнат қилаётган қурилиш майдонида кўчма ошхона бўлиб, Юнусобод даҳасидан тайёр пиширилган овқатлар келтирилиб, сотиларди. Ҳозир ҳам шундай. Бироқ шаҳарнинг у бурчагидан бериги томонига келгунча овқат сифати бузилиб, кўпчилик норози бўлди. Ишчилар касаба уюшмасининг навбатдаги йиғилишида буни қаттиқ танқид қилиб, буфет ташкил этилишини талаб қилдилар.

— Мажлисда ўзини кўрсатиб қўйиш учун сўзга чиқадиган замонлар ўтиб кетди. Ҳозир минбарга кўтарилган ёки сўз олган киши мавжуд камчиликни танқид қилиб, зарур бўлган бирор нарсани талаб қилади. Юрагидаги дардини айтади, — деди трест касаба уюшмаси раисининг ўринбосари Толиб Тўлаганов. — Имконимиз кўтарган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Бироқ очиқ айтиш керак, талаб даражасидан анча орқадамиз.

Турғунлик даврида ғалати бир тушунча бўларди. Агар бирорта корхона ёки ташкилот давлат режаларини ортиғи билан бажарса, ўша ердаги партия, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари гарчи тузукроқ фаолият кўрсатмаса ҳам мақталаверар, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиларди.

Ўтган йили трест бўйича яхши кўрсаткичга эришилмади. Режалар барбод қилинди. Бироқ, касаба уюшмасининг фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Комитет аъзолари ишни ҳисобот-сайлов анжуманида билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бажаришдан бошлашди. Сўзга чиққанлардан бири баъзи қурувчилар касаба уюшмаси раҳбарларини танимайди, чунки улар трест идорасидан ташқарига чиқишмайди, деган гапни айтганда, йиғилган делегатлар тўғри ишорасини қилиб, қарсак чалишганди. Эндиликда раис ва унинг ўринбосари навбат билан қурилиш майдонларида бўлишяпти.

— Трестимизнинг қурувчилари ишлаётган участкалар шаҳарнинг деярли ҳамма районларида бор,—деб давом этади Т. Тўлаганов. — Ҳар бир участкада бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Албатта ҳамма жойда бирорта муаммо бор. Илгари касаба уюшмасига зарур иш билан трест идорасига келишарди. Эндиликда, кўп масалаларни қурилиш майдонининг ўзида ҳал этяпмиз. Кўп ерда бўлганидек, бизда ҳам ишчиларни уй-жой билан таъминлаш ўткир муаммо бўлиб турибди. Ҳар йили 40—50 кишига уй-жой берилаётган бўлса ҳам навбатда турганлар сони жуда секин камаймоқда. Чунки, ҳар йили янги ишчилар қўшиляпти. Уй-жойга муҳтожлар кўпчиликни ташкил қилади. Кўп тортишув ва ҳаракатлар билан яна 40—50 кишининг талабини қондиришга муваффақ бўляпмиз.

Умуман, касаба уюшмаси фаолиятида ўзгаришлар бўлаётгани сезилмоқда. Ишчилар учун қурилаётган соғломлаштириш нуқтаси ҳам бу йил ишга тушади. Ёпиқ залда баскетбол, теннис, волейбол ўйнаш мумкин. Шунингдек, тана аъзоларини чиниқтириш учун махсус жиҳозлар келтирилади.

Шу билан бирга ишчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган масалалар ҳам бор. Трест бўйича ишчи жомакорларини махсус жойда тиктиришган эди. Материали сифатсиз бўлгани учун тезда йиртилиб, кийишга ярамай қолди. Ҳозирги кунда қурилиш майдонига борсангиз ишчиларнинг кўпида махсус жомакор йўқ. Техника хавфсизлиги бўйича ишчилардан талаб этилади-ю, бироқ тўлиқ шароит яратилмаяпти.

Касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, мустақил фаолият юритиш ҳақида гаплар бўляпти. Бу фикрларни, ҳатто икки қўллаб ёқлаш мумкин. Лекин ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биринчи галда агар касаба уюшма аъзоларининг талаблари тезда қондирилиб, ёрдам бериш кўпайса, албатта унинг мавзуси ошади. Мустақилликка келсак, ҳозирги кунда илгаригига қараганда маъмурият ва партия ташкилоти касаба уюшмасининг ишига кам аралашяпти. Бироқ, унинг талабларини қондиришда, касаба уюшмасининг қўли қаерга узатса етадиган бўлса, ишчи-хизматчиларнинг ишончини янада тўлиқ қондирарди.

Трестда 9 та бошқарма бор. Уларнинг касаба уюшмаси борасидаги ишлари ҳам анча силжиган. Фаол иш олиб бораётган ташкилотлар қаторига Р. Кравчук, А. Благушина, Қ. Бойбеков, Т. Жодколар раҳбарлик қилаётган касаба уюшмаларини кўрсатиш мумкин. Ишчиларнинг дил дардини тинглаб, ёрдам бериш асосий мақсадга айланган ташкилотнинг фаолияти доимо илғор бўлади.

С. ШАМСИДДИНОВ.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

ЎРТА Осиё темир йўлининг Тошкент тепловоз депоси касаба уюшмаси ташкилоти ўз сафига икки мингдан ортиқ ишчи ва хизматчиларни бириктирган. Ташкилотнинг энг асосий вазифаларидан бири ишчилар ҳақ ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг маданий дам олишларини тўғри йўлга қўйиш, оилавий шароитларини яхшилашда ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир. Бу муҳим вазифаларни ҳал этишда депо касаба уюшмаси бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Албатта, бу ўринда уюшма аъзоларидан йиғиладиган бадалларни тўғри тақсимот қилишда ҳам катта гап бор. Буни ушбу мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Агар ўтган йили маданий ҳордиқ учун уюшма ҳисобидан 24 минг сўм пул ажратилган бўлса. 1990 йилда бу кўрсаткич 26 минг сўмни ташкил қилди.

Ўтган йили корхонанинг бир гуруҳ илғор ишчи ва хизматчилари жамғарма ҳисобидан мамлакатимизнинг қаҳрамон шаҳарларига 5 кунлик дам олишга юборилдилар. Йил давомида бир неча бор шаҳиримиздаги турли ансамблар ва ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари келишиб концертлар қўйиб беришди. Уларга ҳам уюшма ташкилоти томонидан маданий ҳордиқ учун ажратилган жамғарма ҳисобидан пул тўланди.

Корхона ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари учун ёзги дам олиш лагерларига 160 дона йўлланма олинди. Шундан 80 таси оилавий шароитлари ночор кишиларга ярим баҳосида берилди. Шунингдек, 72 киши соғлиғини тиклаш учун санаторий-шифохоналарга юборилди. Булардан 15 кишига бепул йўлланма берилди. Дам олиш уйлари учун тарқатилган 40 та йўлланмадан 6 таси ҳам пулсиз берилди. Нархи арзонлаштирилган 16 та саёҳат йўлланмаси ҳам уюшма ҳисобидан тарқатилди.

Шу ўринда бир эътироз бор. У ҳам бўлса мутасадди ташкилотлар йўлланмаларни тарқатишда тўғри ва оқилона иш тутсалар деймиз. Чунки биздек катта жамоага 100 ишчи ва хизматчи ҳисобидан иккита йўлланма беришини нормал ҳол деб бўладими?

Уюшмамиз олдида турган яна бир муаммолардан бири ишчи ва хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлашдир. Ҳозирги кунда ҳар бир ишчи ойига 1,5 килограмм шакар, 2,5 килограмм гўшт маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Шунингдек, танқис маҳсулотлар — совун ва порошоклар ҳам тез-тез келтирилиб турибди. Камёб моллар — кир ювиш машиналари, совутгичлар, гилам, уй жиҳозлари ҳам уюшмамиз орқали тақсимланмоқда.

1990 йилда корхонамиз ишчи-хизматчиларига 270 минг сўм ажратилди. Ушбу жамғармадан оғир шароитда ишлаётган касаба уюшмаси аъзоларига уч кунлик қўшимча дам олиш учун маблағ ажратилди. Уларга пулсиз тушлик овқат бериладиган бўлди. Тунда ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг овқатлари ҳам пулсиз ташкил қилинмоқда. Кўнгилли халқ назоратчиларига ҳам уч кунлик меҳнат отпускаларига ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг турар жойларини яхшилаш ҳам уюшма олдида турган муаммолардан биридир. Ўтган йили 12 та оила турар жой билан таъминланди. Бу йил эса корхона ҳисобидан қирқ квартирали уй қурилиши бошлаб юборилди. Бундан ташқари жамоамиз фондидан Ўрта Осиё темир йўли бўлимига уй-жой қурилиши учун ҳам маблағ ўтказилган. Депо ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари қатнайдиган Ўрта Осиё темир йўлининг 8-болалар боғчаси ҳам бир неча йиллардан бери уюшмамиз оталиғида бўлиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, корхона касаба уюшмаси аъзолари ўз зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этган ҳолда иш юритмоқдалар.

А. ҒОИБНАЗАРОВ.

«Исанинг алами Мусаданми?..»

БИР ҳажвий ҳикояда бола мушугини шундай тепадики, у кўчага учиб тушади. Ёзувчи «тадқиқ қилса» бу асаббузарликнинг боши идорадан бошланган экан. Хотини билан жиққамушт бўлган раҳбар ўринбосарини чақириб «тузлабди». Ўринбосар бўлим бошлиғидан, бўлим бошлиғи ходимдан, ходим эса кечқурун хотинидан аламини олибди. Хотин эса эрининг танбеҳларини ўғли билан «баҳам» кўрибди. Аламига чидолмаган ўғил, мушукдан ўч олган экан. Қарангки, бир оғиз дилозорлик шунча одамнинг кайфиятини бузибди.

Хўш, ҳозир бу каби воқеа-ҳодисалар камми? Афсуски, улар ҳаётимизда кўплаб учрамоқда. «Исанинг аламини Мусадан» оладиган айрим идора раҳбарларининг айтинг-айтинг, кайфиятлари бузилмасин, акс ҳолда балога сиз қоласиз. Энг ёмони, бундай тўралар қонуний битадиган ишингизни битказишмайди. Сизни бекорга сарсон-саргардон қиладилар. Одамларда турли норозиликлар туғдирадилар. Натижада арзимаган иш жанжалга айланади. Оқибат, бу кўнгилсизликка юқори партия, совет органлари, нуфузли ташкилотларнинг аралашишига тўғри келади. Шу туфайли улар амалий иш ўрнига кўпинча шикоятларни текшириш билан овора бўладилар.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Вилоят касаба уюшмаси кенгашининг шикоятлар қабулхонаси олдида 30—33 ёшларга кирган аёл ўтирибди. Унинг икки ёшли ўғилчаси тиззасида ухлаб қолган. Руҳан эзилгани афти-ангоридан сезилиб турибди. У қонуний ҳуқуқига эриша олмай идорамаидора сарсон бўлиб юрибди.

Л. Аҳмаджонова Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида ўриндошлик билан фаррош бўлиб ишлайди. У асосий иш жойидан меҳнат отпускасини олаётиб, институт кадрлар бўлимидан ҳам ҳудди шу вақтда дам олишга рухсат берилишини илтимос қилган. Бироқ кадрлар бўлими бошлиғи қонунни бузган. Фаррош талабини қондирмаган. Л. Аҳмаджонова бу ҳақда ташкилот ҳуқуқшуноси А. Тўхтаохунова мурожаат этган. У ҳам фаррош ҳуқуқини ҳимоя қилмаган. Маъмурият билан келишувчанликка борган.

Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг аралашувидан сўнггина Л. Аҳмаджонованинг талаби қондирилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, институт кадрлар бўлими ёки ҳуқуқшуноси ўринбошланғич касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини қондириб уларни ҳимоя қилиш ўрнига раҳбарларнинг измидан чиқа олмаяптилар.

«Ташгорлесстройтопторг» ташкилотида шундай йўл билан А. Усмонова ноҳақ ишдан бўшатиб юборилган. Аниқланишича, корхонада аттестация ўтказишда у ҳақдаги Низомга мутлақо риоя қилинмаган.

Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари мажмуасининг 43-бандига кўра бирон-бир корхона, муассаса, ташкилот ишчиси ёки ходими маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилар экан, энг аввало у ҳақда касаба уюшмасидан розилик сўралиши кераклиги таъкидланган. А. Усмоновани ишдан озод этишда эса маъмурият бу йўлдан бормаган. Жабрдийда касаба уюшмасидан, хусусан унинг раиси С. Воротимцевадан ҳимоя сўраганида уюшма раиси ҳақ йўлни тутмаган. Шу билан у меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдек муқаддас вазифасига совуққон муносабатда бўлган.

А. Усмонова вилоят касаба уюшмаси кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг дастлабки мурожаатига С. Воротимцева бефарқ қарашга уринди. Қатъий ҳаракатлардан сўнггина касаба уюшмаси ўз хатосини тан олди. А. Усмонова ўз ишига қайта тикланди, «қувғин»даги юрган вақти учун айбдорлардан унга ҳақ ундириб берилди.

Кейинги вақтларда ишчи-хизматчилардан вилоят касаба уюшмалари кенгашига иш жимининг уларнинг розилигисиз, шароитни ҳисобга олмай ўзгартирилгани ҳақида кўплаб шикоятлар тушадиган бўлиб қолди. Масалан, Чилонзор районидаги 74/75 автомат-телефон станцияси электр-механиги Т. Литовченко тунги навбатда ишлаб келган. У узоқ давом этган касалликдан сўнг шу йилнинг 10 мартидан ишга чиққан. Шунда унга маъмурият бундан буён ёрдақат кундузи ишга чиқишини айтади. Амалдаги қонунда эса бундай ўзгаришларни қилишдан олдин маъмурият икки ой олдин ўша ишчини ёки ходимни огоҳлантириши лозимлиги кўрсатилган. Бош инженер Г. Хлесткина, касаба уюшмаси раиси Л. Белоцерковец хатоларини тан олишга, қонунга бўйсунишга мажбур бўлдилар.

Маълумки, янгича иқтисодий снёсат туфайли баъзи ишхоналар ёпилмоқда, йўналиши ўзгаряпти, штатлар қисқармоқда. Шу муносабат билан баъзи тушунмовчиликлар келиб чиқаяпти. Маъмурият билан ишчилар ўртасида тортишувлар пайдо бўлмоқда. Баъзан ҳақни ноҳақдан ажратишга қийналяпти одамлар. Бундай низоларга чек қўйиш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1987 йилнинг 22 декабрида қабул қилган қарорини шарҳлаб беришни позим топдик.

Ҳужжатда корхона, ташкилот тугатилган бўлса ишчи-хизматчилар икки ой олдин огоҳлантирилиши кераклиги уқдирилган. Бордию, корхона йўналиши ўзгариши сабабли штат қисқартирилиши муносабати билан ишчи ёки хизматчи ишдан бўшатилаётган бўлса унга бир ойлик иш ҳақи берилиши лозим. Шу ой ичида у ишга жойлаша олмаса яна бир ойлик ҳақ берилади. Ишга жойлаштириш бюроси рўйхатида турган ишчи учинчи ойда ҳам ўзига муносиб иш топа олмаса унга бу сафар ҳам ойлик миқдорида нафақа тўланади. Шуни эътиборда сақлаш керакки, нафақа пулини янгиланган корхона ёки аввалгисини тугатиш ҳақида буйруқ чиқарган юқори ташкилот тўлайди. Шу ўринда яна бир қарор ҳақида тушунтириб ўтиш ўринлидир. Чунончи, ҳукумат қарорига биноан уч ёшгача фарзанди бўлган оналар болалари уч ёшга тўлгунга қадар ўз ҳисобларидан отпуска олишлари мумкин. Қатор корхоналар, муассасаларда бунга риоя қилинмаяпти.

Бу мавзуда фикр юритар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқий давлат қурилиши муносабати билан давр талабига жавоб берадиган янги-янги қонунлар чиқарилмоқда. Афсуски, корхона, ташкилотлар раҳбарлари уларга риоя қилмайдилар ёки билмайдилар. Таассуфки, жойлардаги ҳуқуқшуносларнинг янги қонунларни билмасликлари, ўз устларида ишламасликлари туфайли кўп одамлар овора-ю сарсон бўлмоқдалар. Бу салбий ҳолат меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб, турли норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Хулоса шуки, касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига сидқидилдан бел боғлашлари, ҳар қандай адолатсизлик кўринишларига чек қўйишлари лозим. Бу қайта қуриш даврида касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

К. МУХТОРОВ,
Тошкент область касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар шикоятларини ва оғзаки мурожаатларни билан ишлаш бўлимининг мудири.

Б. ПЎЛАТОВ,
матбуот маркази мудири.

ИНТИЗОМ ПАСТ БЎЛГАЧ

Қайта қуриш шабадаси туфайли барча камчиликларимиз кўриниб қолди. Улар қайси соҳада бўлмасин «мана мен» деб турибди.

Узмизнинг корхонамиздаги нуқсон-у қусурлардан ҳам кўз юмиб бўлмай қолди. Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг меҳнат интизоми билан қизиқиб корхона ВОХР бошлиғи ўринбосари А. Х. Холиқовга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

— Абдулла Холиқович, корхона йўлагида ҳамиша ходимларнигиз навбатчилик қилишади. Уларнинг вазифаси фақат ташмачиларни текширишми!

— Йўқ, фақат бу билан чекланмаймиз. Меҳнат интизомини бузувчилар, яъни ишга кечикувчиларни «тутиб» рухсатномасини олиб қўямиз. Кейин бу рухсатномаларни маъмурият ихтиёрига топширамиз...

— Шундан кейин бирор ўзгариш бўладими! Айтайлик, ишга 15-20 минут кечиккан ишчига фабрика, цех маъмурияти томонидан бирор чора кўрилядими!

— Ҳаммасига эмас. Буни комил ишонч билан айтишимга сабаб, кейинги пайтларда ишга кечикувчилар сони камайиш ўрнига, бирдан кўтарилди.

Интизомсизлик масаласида корхонанинг 1-тўқув фабрикаси «пешқадамлик» қилмоқда. Бир ой мобайнида 65 киши ишга ўртача 15-20 минут кечикиб келишган. Пардозлаш фабрикасидан — 52 нафар ишчи, иккинчи йигирувдан — 47 киши ишга кечикди. Корхона бўйича бу кўрсаткич 369 кишини ташкил қилди.

— Кечикканларнинг кўпчилиги эркаклар бўлса керак...

— Янглишдингиз, кўпчилиги хотинқизлар. Жумладан, зарядловчи Ю. Орипова, тўқувчилар С. Мингбоева, Р. Хўшжонова (1-тўқувдан), тук куйдирувчи П. Шингасова, заправщик-сараловчилар К. Айтбоева, Н. Югай, аппаратчилар В. Яага, Н. Бахтина (пардозлаш фабрикасидан), тозаловчи С. Шерматова, йигирувчи Н. Бекмуродова (2-тўқувдан) кабиларни санаб ўтиш кифоя.

— Ишга кечикувчилар сафи кундан-кунга кўпайиб борса-ю, наҳотки бу корхона маъмуриятини ташвишга солмаса!

— Афсуски, партия, комсомол қўмиталари ва ягона халқ назорати гуруҳининг олиб бораётган ишлари кўзга ташланмаяпти, рейдлар ўтказилмаяпти. Бундан хулоса шуки, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кураш бўшаштириб юборилган. Қачонки, рейдлар ўтказилиб иш интизомини бузувчиларга қарши кескин чоралар кўрилмас экан, бу ерда ўзгариш бўлмайди. Бунинг учун партия ва комсомол қўмиталари биргаликда иш олиб боришлари керак.

Суҳбатдош Б. ОРИПОВ.

Хориждан хабарлар

⊙ САН-ФРАНЦИСКО. АҚШ ҳукумати ва марказий разведка бошқармаси 1965 йилда Индонезия коммунистик партияси аъзоларини оммавий равишда қириб ташлашга тайёргарликда фаол иштирок этганлар. АҚШнинг Жакартадаги элчихонаси сиёсий бўлимининг собиқ ходими Роберт Мартенс, унинг ўша вақтдаги бошлиғи Эдвард Мастерс ва ўша вақтда марказий разведка бошқармаси резидентураси бошлиғи ўринбосари лавозимини эгаллаб турган Жозеф Лазарский Америка журналистларига бу ҳақдаги маълумотларни биринчи бор тақдим этдилар.

Уларнинг гапларига қараганда, Америка разведкаси жосуслари ва АҚШ элчихонаси сиёсий бўлими ходимлари йўқ қилиб юборилиши лозим бўлган Индонезия коммунистларининг муфассал рўйхатини мунтазам тузганлар ва уларни Индонезиянинг юқори лавозимли ҳарбийларига топширганлар. Рўйхатда компартиянинг марказдаги ва жойлардаги «энг хавфли» фаоллари ва раҳбарлардан 5 мингдан ортиқ кишининг номи бор эди. Мартенснинг тан олишича, у икки йил давомида ана шундай «тайёргарлик иши» билан шуғулланган давлат департаменти ва МРБ элчилар группасига бошчилик қилган. «Бу Индонезия армиясига катта мадад бўлди, — деди у.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ суд маъмурлари Панаманинг собиқ раҳбари Мануэль Норьега оқловчилари учун ҳақ тўлаш ҳаражатларини ўз зиммаларига олишга рози бўлдилар. Мануэль Норьега Америка маъмурлари томонидан шу йил январь ойида Панамага қуролли бостириб кириш чоғида ушланган бўлиб, наркотик моддалар билан савдо қилишда айбланиб, ҳозир Флорида штатининг Майами шаҳри яқинидаги қаттиқ режимли қамоқда суд қилинишини кутмоқда.

Федерал прокурор Декстер Лехтинен лавозимидан туширилган Панама раҳбари оқловчиларга ҳақ тўлашга розилик берилганини айбланувчи устидан «адолатли суд»ни таъминлаш зарурлиги билан асослади.

⊙ ПРАГА. Фаластин қўзғолони давом этаётган 29 ой давомида босиб олинган араб территорияларида зўравонликнинг янги хуружи энг фожиали оқибатлар келтирди, дейилади ЧСФР ташқи ишлар министрлиги вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Бейкер режалари ёки бошқа ташаббуслар деб аталган режалар асосида фаластинликлар билан музокара олиб боришдан бош тортаётган Исроил ҳукуматининг позицияси бутун Яқин Шарқда кескинликни келтириб чиқармоқда. Босиб олинган территорияларда юз берган вазият муносабати билан ЧСФР ташқи ишлар министрлиги чуқур ташвиш билдиради ва зўравонлик Фаластин масаласини ҳал қилишга олиб бормайди, деган фикрни яна бир бор такрорлайди.

⊙ ПАНАМА. АҚШнинг Панамага интервенцияси чоғида ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари қўмитаси Америка қўшинлари жумҳуриятга бостириб кирган 20 декабрь кунини миллий мотам куни деб эълон қилишни талаб қилди. Панама пойтахтида бўлиб ўтган митинг чоғида комитет президенти Изабель Корро айтдики, умуммиллий мотам кунини белгилаш ҳалок бўлганларга нисбатан адолатни тиклаш бўлур эди. Бундан ташқари, деди у, ҳукумат Америка ўқлари ва снарядларидан ҳалок бўлган граждан шахсларни ҳам, ҳарбийларни ҳам қаҳрамон деб эътироф этиши, шунингдек қурбонлар сонини пухта текшириши лозим.

⊙ ТРИПОЛИ. Ливия жамаҳирияси ташқи алоқалар ва халқаро ҳамкорлик халқ бюросининг вакили Американинг «Вашингтон таймс» рўзномасининг Рабтдаги завод химиявий қуроллар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда деган хабарини рад этди. ЖАНА агентлигига берилган баёнотда ташқи сиёсат маҳкамасининг вакили Снлдд рўзнома хабари бутунлай асоссиз эканини таъкидлади. Шу йилнинг март ойида ёнғин чиққан Рабтдаги завод Қўшма Штатлар маъмурияти айтаётган қуролларни эмас, балки дори-дармонларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ливия жамаҳирияси, дейилади баёнотда, Яқин Шарқ регионини химиявий қуролдан ҳоли қилиш ва бутун дунёда химиявий қурол запасларини йўқ қилиб ташлашга даъват этди ва бу даъватни яна такрорлашга ҳожат йўқ деб ҳисоблайди.

⊙ МЕХИКО. Мексикада ва айни вақтда Америка қитъасидаги яна етти давлатда «Эль диа латиноамерикано» ҳафтаномаси чиқа бошлади. Мексикада «Эль диа» рўзномасининг таҳрир коллективи, шунингдек Лотин Америкасидаги таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, журналистлар бундай ҳафтаномани ташкил этиш лойиҳаси устида бир неча йил иш олиб борган эдилар.

Ҳафтанома биринчи сонининг бош мақаласида таъкидланишича, сўнгги вақтда Лотин Америкасидаги кўпгина давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий турмушида юз бераётган ўзгаришлар, регионда демократиялаш ва алоқаларни кучайтириш жараёнларини мустаҳкамлаш вазифалари бундай ҳафтаномани ташкил этишни зарур қилиб қўйган эди. Биринчи умумрегионал рўзнома материаллари, дейилади мақолада, региондаги давлатларда демократияни мустаҳкамлашга ва иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш мақсадида Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳукуматлари, сиёсий партиялар ва ташкилотлари, иқтисодий, илмий ва маданий марказлари, турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида яқиндан алоқа ўрнатиш ва бундай алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Матбуот хабарларида таъкидланишича, янги ҳафтанома дастлабки босқичда Мексикадан ташқари, Гватемала, Никарагуа, Коста-Рика, Чили, Аргентина, Уругвайда, шунингдек АҚШда нашр этилади.

(ТАСС).



⊙ БЕРЛИН «девори» бутун дунёга маълум бўлиб, салкам ўттиз йил мобайнида аниқ чегара режимини амалга оширишнинг воситаси бўлиб келди. Унинг 1961 йилда қад кўтариши ёш давлатнинг ички сиёсий ва иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга интилиш туфайли кўрилган мажбурий чора эди.

СУРАТДА: янги қондалар кучга киргандан кейин бу жойлар одамлар билан гавжум бўлмоқда.



⊙ СИЗ бу суратда Деҳлидаги қушлар шифохонасини кўриб турибсиз. Бу ерда қанотли дўстларни раҳм-шафқат асосида даволаш ташкил этилган. Айниқса ёзда уйлардаги ҳаво совутгичларга келиб урилган қушлар шикастланиб, улар сони кўпайиб кетади. Ҳар шанбада эса даволанган қушларни осмонга учириб юбориш маросими ўтказилади.

С. Кармалито сурати. (ТАСС).

Келажагимиз—мактабда

БИЛИМГА МЕҲР



«...Мактабга, болаларга юрагини бахшида этган, ўз фанини чуқур биладиган, ранг-баранг методик воситаларни эгаллаган, муфассал психологик-педагогик тайёргарлик кўрган муаллимлар керак».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатномасидан).

Ҳамза районидаги 216-мактабда олти ёшлилар чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўқитувчилар ислоҳот талабларидан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб боришаяпти. Методист-ўқитувчи Гулнорахон Адамбекова кўргазмали қуроллардан фойдаланиб дарс ўтишни кенг йўлга қўйгани учун уни Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтига лекторликка таклиф қилишди. У билан ёнма-ён ишлаётган Марҳамат Расулова бор тажрибаларини қунт билан ўрганиб олди. Шундан сўнг ўзи ўқувчиларнинг ўйлаши ва мустақил фикрлаши, шунингдек ҳисоб-китобни чуқур ўргатишга мўлжалланган кўргазмали қуроллар тайёрлади. Ўқитувчининг меҳри, қалб қўри қўшилган рангли тасвирлар шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида намойиш этилганда барчага манзур бўлди. Ҳамкасби ҳақида Т. Адамбекова шундай ҳикоя қилади:

— Марҳамат доимо ўз устида ишловчи, ижодкор ўқитувчи. У дарс ўтишда ҳамиша янгилик излайди. Олти ёшлилар билан ишлаш осон эмас. Чунки бу пайтда болалар билим олишдан кўра, кўпроқ ўйинга мойилроқ бўлишади. Марҳаматнинг кўргазмаларида ана шу жиҳат эътиборга олинган. Яқинда, унга методист-ўқитувчи унвони берилганлиги мени жуда қувонтирди.

Марҳамат Расулованинг ўқувчилик йиллари айнан шу билим даргоҳи билан чамбарчас боғланган. У ҳақда мактаб директори М. Ҳасанова фахр билан гапирди.

— Марҳаматнинг бизда ишлаётганига оз эмас, ўн беш йил бўлди. У кўз ўнгимизда маҳоратли ўқитувчи бўлиб етишди. Бошқаларга ўхшамайдиган мактаб яратди, десам муболаға бўлмайди. Бундан ғоятда мамнунмиз.

Марҳаматнинг ҳаёт йўли оддийгина. Ўрта мактаб, педагогика билим юртидан сўнг жўшқин иш фаолияти билан боғланган ҳолда дорилфунунни тугатиш.

— Умр йўлдошим Абдуллажон Назаров муаллимлик қиладилар, — деди у биз билан суҳбатда. — Шу боис суҳбатимиз кўпинча тарбия, болалар ҳақида боради. Икки фарзандим бор. Ўларнинг ўқимишли бўлишларини жуда истайман. Чунки билимга меҳр қўйган инсон асло кам бўлмайди. Эришган ютуғимда муваффақиятларимни қўллаб-қувватлаётган мактаб жамоасининг хизмати жуда беқиёсдир.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

⊙ **СУРАТДА:** методист-ўқитувчи Г. Адамбекова.

Т. Каримов сурати.

Завқли ижод

⊙ **САНОАТ** графикаси рассомчилик санъатида ўзига кенг йўл топа бошлаган истиқболли ижод тури ҳисобланади. Қувонарли томони шундаки, бу жанрда ёш истеъдодлар ҳам самарали ижодий иш олиб бормоқдалар.

Шаҳримизнинг Куйбишев район пионер ва ўқувчилар саройи саноат графикаси студияси ҳам умидли рассомларнинг қайноқ ижод масканига айланиб қолди. Студия аъзолари рассом Т. Прибиткова раҳбарлигида саноат графикаси жанри «сир-асрорларини» ўрганиб, жиддий изланишлар асосида қатор ижод намуналарини яратдилар.

Савдо тижоратига боғлиқ график асарлар эса кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Ёш рассомлар «Тошкент внешсервис» фирмаси буюртмаси бўйича ҳам саноат графикаси намуналарини яратишга киришдилар.

Ана шу завқли ижод тури яқинда Ўзбекистон давлат китоб палатасида очилган кўргазмадан муносиб ўрин олди.

А. АКБАРОВ.

⊙ **А. С. ПУШКИН** номидаги музейда намойиш қилинаётган ноёб кўргазма «Этрусклар дунёси» деб аталади. Этруск-лар бу — эрамиздан олдинги биринчи минг йилликда Апенин ярим оролида мавжуд бўлган халқнинг номи. Антик давр халқлари тарихи ва маданияти кўплаб тадқиқотчиларни ва ишқибозларни ҳануз-гача ҳаяжонлантириб келади ва унинг сирлари ҳалигача топилган эмас.

СУРАТЛАРДА: 1. Экспозиция залида; 2. Эрамиздан олдинги биринчи асрда тахтдаги айл. П. Максимов суратлари (ТАСС).





⊙ Кейинги вақтларда ҳудди биз узоқ уйқудан уйғониб, турмушимизнинг ҳақиқий манзарасини кўрдик. Бу ноҳуш манзара бўлиб, ундан киши умидсизликка тушади ҳам. Атрофимизни ўраб турган муҳитни шунчаки кузатиш, кўплаб муаммоларни аниқлаш ва муҳокама қилиш билан аҳволни тузатиб бўлмайди. Аниқ ишлар, фидойи меҳнат зарур. Муаммоларни ҳал этиш учун жуда катта маблағлар керак, ҳолбуки бугунги кунда шу етишмаётир.

Бироқ бугунги кунда ҳам қўшимча маблағ харжламасдан туриб, аҳволни бироз яхшилаш имкони бор. Қандай имкон дейсизми? Жуда ҳам оддий. Агар биз ҳамма нарсани жой-жойига, қатъий қўйиб фойдалансак, ажратилган маблағлардан қаерда, ким, қандай қилиб фойдаланаётганлигини қаттиқ туриб назорат қилсак, бунга эришиш мумкин. Бу борада ҳалоллик, виждонийлик, яқин кишиларга ҳамдардлик каби оддий инсоний фазилатлар катта аҳамият касб этади.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун партия, уруш ва меҳнат кексаларининг республика пансионатида истиқомат қилаётган кексалар ва ногиронларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган қонунчиликка қандай риоя қилинаётганлигини Тошкент шаҳар прокуратураси текширши якунларн ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бугунги кунда айнан ана шу томфа алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади. Уларнинг кўпчилиги Совет ҳокимиятининг қарор топиши йилларида, уруш ва урушдан кейинги бунёдкорлик йилларида фақат қийинчиликларни енгибгина қолмай, балки шаҳсий, оилавий фожиаларни ҳам бошдан кечирдилар. Пансионатдагиларнинг кўпчилиги ёлғиз, бетоб кексалар бўлиб, уларнинг бошқа суянадиган кишиларн йўқ, давлат, жамиятдан бошқа улар ҳеч кимнинг ёрдамига умид қилмайдилар. Кейинги вақтларда кексалар, ногиронларнинг турмушини енгиллаштиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди, мақсад уларнинг моддий фаровонлигини оширш эди. Ана шундай қарорлардан бирн Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи-жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ... қўшимча имтиёзлар бернш тўғрисида»ги Фармони бўлди. У миннатдорчилик сўзларн билан тўлиб-тошган ҳатларга қараганда Ўзбекистон кексаларн ва бутун аҳолисн ўртасида катта акс-садо уйғотди. Ёрдамга жуда эҳтиёж сезаётган кексаларга ёрдам бернш мақсадида жамоат ташкилотларн тузилди, раҳмшафқат жамғармалари ташкил этлди.

Аммо кексаларнинг ҳалн муаммоларн кўп. Қуйида сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола шу ҳақда ҳикоя қиладн.

Шаҳар прокуратурасида—

КЕКСАЛАРГА ҲУРМАТ ШУМИ?

ПАРТИЯ, уруш ва меҳнат кексалари пансионати тўғрисида кўп гапиришган ва ёзишган. Унинг жамоаси тўқнаш келган муаммолар бир неча бор кўтарилган, жамоанинг ишидаги нуқсонлар ҳам очиб ташланган эди. Рўзномаининг ҳар бир чиқишидан, ҳар бир текширишдан сўнг бу ерда аҳвол яхшиланиши, кексалар эса яхши яшашлари керак эди. Раҳм-шафқат кўрсатаётган барча ташкилотлар, турли жамғармалар пансионатда истиқомат қилаётганларга ғамхўрлик ва кундалик эътибор кўрсатаяпти.

Бироқ амалда эса жуда оз ўзгариш бўляпти. Интернат остонасини ҳатлаб ўтишимиз биланоқ, унинг ичини айланганимизда бенихтиёр шундай фикр қамраб олдики, яна маънавий поклик, кексаларга ҳамдардлик, раҳм-шафқат қилиш зарурлиги тўғрисидаги кўпгина шиорларимиз қуруқ сўзлар бўлиб қолаяпти.

Иккала бино ҳам бошдан-оёқ таъмирланишни талаб этади. Кўпгина кексалар истиқомат қилаётган хоналарда қулайликдан асар ҳам йўқ. Эскириб кетган мебель, ўзгартирилиши зарур бўлган эшиклар, санитария-техника жиҳозлари, яроқсиз ҳолга келиб қолган оқ чойшаблар, чанг поёндозлар... Бу пансионатга кирган заҳоти кўзга ташланган ташқи манзара. Унинг ички ҳаёти қандай экан?

Овқатланиш масаласинни олиб кўрайлик. Кексалар шуни айтишяптики, кейинги вақтда у бироз яхшиланибди, овқатлар ранг-баранг ва мазалироқ бўлибди. Бироқ текширувчиларнинг барчаси овқатларда тўйимлилик камайиб кетганлигини ва овқат кам сузилаётганлигини аниқлашди. Ҳали барча маҳсулотлар ҳам кексалар ва ногиронларнинг дастурхонларига бориб тушаяпти деб бўлмайди. Бундай фактларга ҳали тўла барҳам берилган эмас. Кексаларнинг ҳақига хиёнат қилишга қўл ураётганлар ҳали ҳам бор экан. Ҳамма замонларда ҳам кексаларни, болаларни, бетобларни алдаш катта гуноҳ ҳисобланган. Бундай одамлар ҳудони ҳам унутиб, яна бир нарсани ҳам унутиб қўйишди: гуноҳ қилиш уларнинг фикрича фақат диндорларгагина зарарли эмиш. Улар эса атеистлармиз, дейишяпти.

Медицина хизмати кўрсатиш борасида ҳам кўпгина нуқсонлар очиб ташланди. Шундай таассурот туғилдики, у пансионатнинг айрим ходимларига турли хил суиистеъмолларни беркитиб юборишга қўл келмоқда. Бўлмаса, нега унда медицина дори-дармонларини талаб қилиб ёзилган ҳужжатларда уларни олган кишиларнинг имзолари йўқ? Нега унда жуда тақчил дори-дармонни олган беморнинг исм-шарифи ҳамиша ҳам кўрсатилавермайди? Нега унда этиль спиртини ҳисобга олиш ва тақсимлашда қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда?

Кексаларга медицина хизмати кўрсатишдаги бу нуқсонлар ҳали ҳолва экан. Бу ерда молия интизомини қўпол тарзда бузиш, ҳакалак отиб кетган қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун ҳақ тўлашлар ва ҳоказо ва ҳоказолар бор.

Мана, текширишда аниқланган айрим фактлар. Қаттиқ инвентарларга касса харжлари ҳисоботида аслида 44,6 минг сўм кўрсатилган бўлсада унга 67,7 минг сўм сарфланган деб ҳужжат расмийлаштирилган. Юмшоқ инвентарь бобида ҳам фактлар ана шундай бўяб кўрсатилган.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, пансионат биноси тубдан таъмирлашни талаб этади. Буни қарангки, у тубдан таъмирланган экан, фақат ўзнга хос бир тарзда амалга оширилибди. Яъни 1988 йилда «Фасад» таъмирлаш-қурилиш бошқармасига 56 минг 541 сўм ўтказилибди. Аслида эса 49 минг 310 сўмлик иш бажарилган. 7231 сўм пул эса бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳеч қандай актларсиз тўланган. Бундан ташқари таъмирлаш-қурилиш бошқармаси қурилиш материалларидан 4835 сўмлик қарздор бўлган. Шунингдек, «Бинокор» ширкатига 32 минг 410 сўм пул ўтказилган. Бажарилган ишлар бўйича актларга қараганда эса бу ширкат материаллардан икки ярим минг сўмлик қарздор бўлгани ҳолда бор-йўғи 28 минг 724 сўмлик иш бажарган...

Яна энг қизиғи шундаки, «Таврия» ширкатига ўзи йўқ иссиқхона... таъмирланган деб 10 минг сўм пул ўтказилган. Худди шу ойда бу пулни ҳисобдан ўчиришган, фақат текшириш чоғида улар пансионатга қайтарилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, «Узторгодежда» ва бошқа базалар пансионатни кийим-кечак ва юмшоқ инвентарлар билан дуруст таъминлашаётганига қарамай пансионат раҳбарияти ўтган йилнинг ўрталарида ширкатлар орқали юмшоқ инвентарлар олишни тажриба қила бошлаган. Ҳолбуки, омборчи ва пансионат ходималарининг сўзларига қараганда ширкат ателъеларидан одатда брак қилинган нарсалар келтирилган. Пансионатда истиқомат қилаётган кексалар эса уларн олишдан ҳақли равишда бош тортганлар, кейинчалик «мол» омборларда ғойиб бўлаверган.

Мўъжиза бу билангина тугамайди. 1989 йилда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси томонидан йўлланган биттагина хат асосида пансионатга ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатсиз 47 минг 18 сўм турадиган иккита соябон-суҳбатлашадиган мосламалар кирим қилинган. Бош бухгалтернинг гапига қараганда булар 1987 йилда ўрнатилган бўлиб чиқди. Бунинг устига мутахассис иштирокидаги текшириш натижасида бу иккала мосламанинг қиймати 6000 сўм бўлиб чиқди.

Текшириш мобайнида аниқланган бундай молиявий бузилишларни яна саноаш мумкин. Аммо ўйлаймизки, бундай минг сўмлаб, ўн минг сўмлаб молиявий бузилишлар оз эмаслигига оқшомхонларнинг ишончлари комилдир. Ҳар томонлама ҳужжатли тафтиш, яъни бутун молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш шаҳар прокуратураси томонидан барча қонун бузилишларини ва айбдорларни аниқлаш имконини беради.

Аммо бизнингча алоҳида аҳамиятга эга бўлган бир неча жиҳатларга тўхталмасдан бўлмайди. Афсуски, у ёки бу нуқсонларда айбдор бўлган кишиларнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарлиги мезонларни аниқлашда биз ишнинг маънавий жиҳатларини кўпинча унутиб қўямиз, ножўя ҳатти-ҳаракатни ахлоқий нуқтаи-назардан баҳоламаймиз. Қинғир иш устида қўлга тушган ана шу ташмачиларнинг ўзлари ўғирлаган нарсалари «мусодара қилинишш»дан сақланиб қолмоқдалар ва жарима тўлаш билан сувдан қуруқ чиқиб кетмоқдалар. Уларга нисбатан қонунчиликда бошқа ҳаракатлар ёки жазолар кўзда тутилмаган. Ташмачилар, аслида эса ўз ҳатти-ҳаракатлари билан ўғрилар бемалол жамоада меҳнатларини давом эттиришяпти, виждонлари ҳам тариқчалик қийналмаяпти.

Бизнинг қонунчилигимиз такомилга етмаганлиги тўғрисида гапириш мумкин. Шуни айтиш мумкинки, прокуратура қонунга мувофиқ жазоланадиган ҳатти-ҳаракат билангина қизиқиши керак. Аммо бу ишнинг фақат бир томони, холос. Ўйлаймизки, пансионатнинг айрим ходимлари хатти-ҳаракатларига ўз муносабатимизни билдирмаслик ва айтмаслик мумкин эмас.

Т. В. Силантьевада, яъни кадрлар бўлимида пансионатда истиқомат қилаётганларнинг унга тилхат билан берилган маблағлари сақланмоқда. Бунинг ҳеч қнси йўқ эдн, агар текшириш кунн Силантьевада 2455 сўм пул кам чиқмаганида. У бу камомаднинг сабабини оқилона тушунтириб беролмади ва текшириш жараёнида пулни ўрнига қўйди, бунда кирим ҳужжатинн расмийлаштирди-да пулни кассирга берди. Бундан ташқари Силантьевада пансионатда истиқомат қилаётганларнинг, шу жумладан вафот этганларнинг тилла буюмлари ҳам сақланган, булар 1988 ва 1989 йилларда тафтиш-актлари бўйича чиқарилган бўйруқларга мувофиқ суратда комиссион савдоси ва район молия бўлими томонидан баҳоланиши лозим эди, бироқ шу нарса маълум бўлдики, тилла сиргалар, узуклар, соатлар юқорида тилга олинган органлар томонидан тузилган комиссияларга келиб тушмаган.

Энди пансионатда истиқомат қилаётганларга нафақа тўланиши танлаб текширув ўтказилганда кимдир имзо чекиб, кимдир вафот этган... учун пул олган 18 та ҳол аниқландики, бу фактни ахлоқий нуқтаи назаридан қандай баҳолаш мумкин? Бу — 489 сўм 38 тийин кимнинг «бюджети»ни тўлдирганлигини прокуратура аниқлашга интилмоқда. Бу қайси қувшинга сигади, ўзи?..

Бир сўз билан айтганда, республика ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан йўл қўйилган назоратсизликдан фойдаланиб пансионатда партия, уруш ва меҳнат кексалари эмас, балки жамоанинг айрим ходимлари яйрашибди. Ҳаммаинг кўз ўнгида ана шундай нохуш манзара рўй берди. Ҳа, улар дориломон яшашди. Ҳатто кексаларга «ғамхўрлик ва эътибор» билан қараганликлари учун мукофотлар ҳам олишди.

Ҳамма қонун бузилишлари ҳақида бу ерда ҳикоя қилишнинг иложи йўқ. Уларнинг айримлари бўйича ҳар томонлама тафтишдан кейин жиноий ишлар қўзғатилиши мумкин. Айбдорларнинг жиноий ва маъмурий тартибда кутилажак жазоланиши уларни маънавий масъулиятдан, юзтубан кетиши эса жамоатчилик томонидан қораланишдан асло озод қилмаслиги лозим.

...Пансионатда истиқомат қилувчиларни ва унинг жамоасини турли хил текширишлар билан ҳайратга сололмайсиз. Ҳар битта ана шундай текширишдан кейин нуқсонларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилади. Кимнидир жазолашади, кимнидир ишдан бўшатишади. Аммо бу ерда ўзгариш кам сезилаяпти. Ҳатто шаҳар прокуратураси айбдорларнинг жавобгарлигини аниқлагандан сўнг ҳам, айрим ходимлар жазо олганларидан кейин ҳам агар партия, уруш ва меҳнат кексалари пансионатига давлат органлари томонидан муттасил эътибор бериб турилмаса, аҳвол яхшиланмайди, давлат органлари пансионатда тартиб ўрнатишга мажбурдирлар. Жамоат ташкилотлари ҳам кексаларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида чиройли сўзлар ўрнига амалда ғамхўрлик қилишлари керак.

А. СОЛИҲОВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

Таҳририятдан

«Тошкент оқшоми» пансионатда истиқомат қилаётганларнинг оддий бўлмаган тақдири ва уларнинг турмуш шароитлари тўғрисида бир неча бор ҳикоя қилган эди. Танқидий мақолаларга, қайд этиб ўтилган нуқсонларга барҳам бериш бўйича чоралар кўрилмоқда, деган жавоблар келган эди. Шаҳар прокурорининг мақолаларидан кўриниб турибдики, бу чораларнинг самараси кам бўлган. Шунинг учун таҳририят республика жиддий таъминот вазирлигидан навбатдаги «қоғоз» тадбирларини эмас, балки амалда аниқ бажарилган ишлар билан жавоб беришни талаб қилади.

Зеро, шаҳар прокуратураси текширишда очиб ташланган салбий ҳолатлар тўғрисидаги ишни охиригача етказади. Аммо бу билангина барча муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун биз кексалар кенгашини, партия, совет органларини пансионатни ҳар куни ўз назоратларн остига олишга даъват этамиз. Агар кимки ўз ҳизмат бурчи бўйича пансионат жамоаси фаолиятини ва кексаларнинг турмуш шарт-шароитларини назорат қилишн лозим бўлса-ю, аммо эплолмаётган бўлса, шундай қилишдан бошқа чора йўқ.

Биз шаҳар меҳнат жамоаларига пансионатни отолишга олиш даъвати билан мурожаат қиламиз. Турли хил концертлар, гўзаллик танловларининг ҳоммйлари бўлиш мумкиндир. Келинглар, биз гўзаллик танловларисиз ҳам яшашимиз мумкин, концертлар йўқлигидан ўнчалик кўп нарса йўқотмаймиз, аммо бизнинг ҳақимизда, жамиятимиз тўғрисида болаларга ва кексаларга муносабатимизга қараб баҳо беришади.

Биз Тошкент шаҳар Совети депутатларига мурожаат қиламиз. «Тошкент оқшоми» рўзномаси саҳифаларида кексаларга, ногиронларга, кимки парваришга ва эътиборга муҳтож бўлса, барчага янги бинолар туркумн бунёд этишга ўз муносабатини билдиришн тўғрисида илтимос қилинган эдн. Ҳурматли депутатлар! Кексаларга янги бинолар туркумн қурнш тўғрисидаги таклифга ломмим демай четда турншингиз мумкин. Аммо мавжуд пансионатларнн назорат остига олишга сизлар мажбурдирсиз. Кўпгина депутатларнинг сайловолди дастурларида кексалар тўғрисида ғамхўрлнк қилиш муҳим бандларидан бирн бўлганлигини эсдан чиқармангиз. Бу фақат сайловолди мақсадларидагина қилинган эдн деб ўйлашки истамасдик. Аннқ макон бор, кексаларнинг нсм-шарифлари ҳам аннқ — уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилмоқда, улар бугун ёрдамга муҳтождирлар. Сайловолдн ваъдаларнн аннқ ишлар билан мустаҳкамлашга тайёр эканлигингизни кўрсатиш чоғи келдн.

«Тошкент оқшоми» пансионатнинг фаолиятн шаҳар прокуратураси томонидан узил-кесил текшириб бўлингандан сўнг унинг сўнггн натижалари ҳақида ҳикоя қилннадн, деб ваъда берадн.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тиқувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшдя ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржиман ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массивн» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсамларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область бошқармасининг йўлланмаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I ва II даражали ногиронларининг фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юрти қўнимгоҳи: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70, 116э-автобуслар билан «Чўпон ота», 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам» медицина клиникаси бекатларигача борилади). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ
«КОМПРЕССОР» ва «АГРЕГАТ» заводлари қошидаги
25-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг соҳали дастгоҳсоз, газ-электр пайвандловчи, ускуналарни таъмирлаш бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, техник-назорат бўлими назоратчиси, «КамАЗ» двигателини таъмирлаш бўйича моторчи.

ЎҚИШГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга маошининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Таълим даврида муваффақиятли ўқиган ўқувчилар техника олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган, Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофида истиқомат қиладиган ўсмирлар «КамАЗ» двигатели моторчиси» касбини ўрганишга таклиф қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Битирувчилар 10-авторемонт заводида 2 йил ишлаб беришлари шарт.

Ҳар ойда 100 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни тугаллаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка топширадилар.

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ БАНК СССР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1990 ЙИЛ 1 МАЙДАН БОШЛАБ

Жумҳурият жамғарма банкининг барча муассасаларида аҳоли жамғармаларининг қуйидаги шартларидаги янги турлари — шартномавий омонатлар ва йиғма омонатлар

ЖОРИЙ ЭТИЛДИ:

— ШАРТНОМАВИЙ ОМОНАТЛАР 5 йилдан кам бўлмаган муҳлатга 500 сўм ва ундан катта миқдордаги пул жамғармаси тарзида қўйилади. Белгиланган омонатни сақлаш муҳлатига риоя қилинганда пулнинг омонатда сақланган бутун даври учун 4 фоиздан даромад тўланади.

— ЙИҒМА ОМОНАТЛАР камида 20 йил муҳлатга қабул қилинади. Бу омонатлар ҳар ойликдан мунтазам бадаллар тарзида йиғиб борилади. Белгиланган омонатни сақлаш муҳлатига риоя қилинганда ва ой сайин бадаллар ўз вақтида тўлаб борилганда пулнинг омонатда сақланган бутун даври учун йилига 4 фоиздан даромад тўланади.

Жумҳурият Жамғарма банкининг исталган бўлимида ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича тушунтиришлар олишингиз мумкин.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ БАНКИ.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Саломатлигимиз манбалари

Танга роҳат муолажалар

ҲАР бир касбнинг ўз машаққати бор. Масалан, такси ҳайдовчиси эртадан кечгача руль бошқариб, озмунча кўз нури-ю, асабини сарфламайди. Бунинг устига агар ўзини эҳтиёт қилмаса асаб томирларининг шамоллаши, бел оғриғи ёки бошқа хасталикларга чалиниши мумкин.

Автокомбинатда фаолият кўрсатаётган уқалаш (массаж) хонаси айнан мана шундай вазиятларда ҳайдовчиларнинг дардига малҳам бўлаяпти. Бу ерга ҳар сменада ташриф буюраётган ўнлаб муолажага муҳтож кишилар ўзларини енгил ҳис қилиб чиқишаяпти. Қўллари чаққон ҳамшира Раиса Дмитриевна Квасова куранлар ости, бел, қўл, юз, оёқ ва бошқа аъзоларни эринмай уқалайди, ҳатто енгил лат еган жойни ҳам ўз қолига келтираяпти.

Автокорхона касаба уюшмаси комитети жамоага етарли шарт-шароитлар яратиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Кўпчиликнинг талаби инобатга олиниб, яқинда «Ишчи» ширкати билан ҳам шартнома тузилди. Эндиликда яна бир уқалаш хонаси иш бошлади. Фарқи, пуллик хизмат кўрсатилаяпти. Тушган маблағнинг маълум қисми корхона ҳисобига ўтказилади. Ширкат томонидан хизматчилар, шу жумладан аёллар ҳам қабул қилинмоқда.

И. ГИЕСОВ,
Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинат ҳайдовчиси.

ТОШКЕНТ ЙОГЛАРИ

МАРТ ойида пойтахтимизда «Иогачакра» — йоглар жамияти тузилган эди. Айни пайтда Куйбишев районидаги 64-мактаб спорт залида инструкторлар тайёрланаяпти. Жамият президенти С. Стороженконинг таъкидлашича, мазкур курсни битириб чиққанлар шаҳардаги мактабларда ишлаш учун йўлланма оладилар. Сентябрь ойида эса янги гуруҳ ташкил этилади.

Йоглик сирларини ўргатишда яқиндан ёрдам бераётган ҳинд психоневропатологи Баттачарния Кришнанинг хизмати катта бўлмоқда.

М. УРМОНБЕКОВА.



⊙СУРАТДА: Баттачарния Кришна (ўнг томонда) ва инструктор-методист, ТошДУ талабаси Ульяна Ненашева машқ пайтида.
А. Куртмуллаев сурати.

Учрашувлар, мусобақалар

⊙ ТОШКЕНТ шаҳар спорт комитети томонидан ташкил этилган миллий кураш беллашувида пойтахтимиздаги меҳнат жамоалари иштирок этишди. 20 очко жамғариб Чилонзор районн команда-си биринчи ўринни эгаллади. Стол теннисидан шоҳуспанинг юқори поғонаси Ҳамза райони, шахмат бўйича эса Октябрь райони спортчиларига насиб этди.

⊙ КЕЙИНГИ пайтда югуриш мусобақаси тобора оммавийлашиб бормоқда. 3 километрли кроссда шаҳардаги 8 райондан 652 киши ўз маҳоратини синаб кўрди. Қизиқарли баҳслардан сўнг Октябрь, Ҳамза ва Ленин райони спортчилари фахрли ўринларни олдилар.

С. ШОДИЕВ.

Сўз—ишқибозларга

«ПАХТАКОР»: МУЛОҲАЗАЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР



ОЛМАОТАДА маҳаллий «Қайрат» билан бўлган учрашувни қаяжон билан томоша қилдим. Бунинг боиси бор эди, албатта. Зеро, икки команда мусобақа жадвалида ёнма-ён боришаётганди. Айни мана шу масъулиятли ўйин «Пахтакор»га «Қайрат»дан ўзиб кетиб, пешқадамлар сафидан жой олиш имконини берарди. Командамиз кучли рақибини енгиб, ўзбекистонлик минглаб футбол ишқибозларини мамнун қилди, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, ягона тўп муаллифи Игорь Шквиринининг ҳар қандай вазиятда ҳам мезбонлар дарвозасига хавф сола олиши олқишга сазовор бўлди. Ҳимоя чизиғи мустаҳкамлиги, Қосимов, Пятницкий ва Оганесянлар фаол ҳаракат қилганликлари яққол сезилиб турди. Аммо Шарипов билан Абдураимовларнинг ўйини негадир қовушмади. Улар ўзибўларчиликка йўл қўйиб, кўпинча рақиб майдонидаги хавфли вазиятларни барбод қилдилар. Умуман олганда, тўпни бир-бирларига аниқ узатиб, чиройли комбинациялар ишлатишда пахтакорчиларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Бу — командамизнинг ҳали катта имкониятлари борлигидан далолат бериб турибди.

Биринчиликнинг 9 тури ортда қолди. «Пахтакор» навбатдаги икки учрашувни ҳам сафарда — Кемеровода — «Кузбасс» ва Москвада — «Локомотив» жамоалари билан ўтказади. Бугунгача унинг ҳисобида 4 та ғалаба, 3 та дуранг ва 2 та мағлубият бор. Очколар сони 11 тага етиб, мавқеи анча мустаҳкамланди.

Чамамда, футболчиларимиз жисмоний ва тактик тайёргарлиги жиҳатдан «Локомотив», «Факел» ва «Динамо» командаларидан устун туради. Бироқ ҳимоячилар, дарвозабоннинг қўпол хатога йўл қўйишгани, ярим ҳимоячи ҳамда ҳужумчиларнинг сусткашлиги туфайли улар билан бўлган учрашувларда қимматли очколарни бой бердик. «Нефтчи»дан йирик ҳисобда мағлубиятга учраши ҳам кутилмаган ҳол бўлди. Аммо шунга қарамай, ғалабага иштиёқ, юксак ирода пахтакорчиларнинг ҳали кўп нарсага қодир эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Исмоил ЗОИРОВ,
журналист.

* * *

УЙИМИЗГА яқин жойдаги 193-мактаб олдидан ўтаётиб соатлаб тўхтаб қолишга мажбур бўламан. Сабаби, стадионда чақ-қон ҳаракатлар қилиб тўп ўйнаётган болалар бутунлай эътиборимни чулғаб олади. Менимча, «Пахтакор»га ўйинчиларни биринчи навбатда мактаблардан ахтариш керак.

Футболчилар ҳақида тўхталмоқчиман. Герман Безденежних нима учун командага қабул қилинган? Унинг дарвозада бор ёки йўқлигини ҳеч сезмаяпмиз. Яновский — бу бутунлай бошқа одам. У менга Беляков ва Пшеничниковларни эслатади. Доимо ўз ўрнида, кўзи тўрт бўлиб тўпни кутади.

Андрей Микляев дастлаб кўп хатоларга йўл қўйди. Ҳайрият, кейинги ўйинларда бироз жон куйдираяпти.

Мустафо Билолов майдонга тушганда, команда аъзоларига жон киради. У менга кўпроқ Моторин билан Штернни эслатади.

Миржалол Қосимовни баъзи ҳазилкаш дўсларимга «Менинг жияним», деб ғурур билан таништираман. У ҳавода учади, сувда сузади, ерда яхши югуради, хуллас, «Чиғатойнинг Марадонаси» деб атаса арзийди.

Геннадий Денисов ҳақиқий Геннадий Красницкийга ўхшаган капитан ва майдон эгаси. Унга ишонч катта, қўлдан чиқармаслик керак.

Хорен Оганесян кўп марта «брак»ка йўл қўйди, тез югуролмайди, ҳатто жон қойитишни хоҳламайди. Шерикларига аниқ тўп етказиб беролмайди. Лекин орқа томонга узатишда унга тенг келадиган ўйинчи йўқ.

Сергей Бондаренко олдинги йилларга қараганда бир мунча тузук ўйнаяпти. Қариган сари очиляпти, кўз тегмасин.

Андрей Пятницкийда Тараннинг хусусиятлари бор, тўп олдими — олға интилади, дўстларини кўра билади. Унда ютуққа бўлган иштиёқ зўр.

Азамат Абдуримовдан биз, мухлислар хурсандмиз. Фақат кейинги ўйинда суст ўйнади, ўйнагиси келмади, ишқибозларни инобатга олмади. Ноиложликдан, кимнингдир зўри билан майдонга тушганга ўхшаб турди.

Игорь Шквирин ҳақиқий қаҳрамонимиз, у билан фахрланамиз. Доимо бирдек, бор кучини, маҳоратини ишга солиб, қизиқарли ўйин кўрсатади. Ҳаракатчан ва эпчил йигит. Протасов, Беланов, Михайличенколарга тенглаштирса арзийди. Қани энди ҳамма ўйинчиларимиз ҳам ана шундай жонкуяр бўлишса.

Илҳом Шарипов бир хил ўйнолмаяпти, майдонда борлиги унча сезилмайди.

Марат Кабаев, назаримда энди формага тушаяпти.

Булар, албатта бир жонкуяр мухлис сифатидаги шахсий фикрларим. Келажакда «Пахтакор»дан умидим катта.

Қодир ҚОСИМОВ,
меҳнат кексаси.

Редакцияга «Пахтакор»нинг бугунги мавқеи, учрашувлар ва ўйинчилар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириб «Қорасув — I» даҳасидаги 10-уйда истиқомат қилувчи Азиз Зокиров, Тошкент районидаги Навоий номли колхоздан Абдусаттор Тўрақулов, шунингдек пойтахтдаги «Бунёдкор» кўчасида яшовчи бир гуруҳ мухлислар ҳам хатхабарлар йўллашган, уларга миннатдорчилик билдирамиз.

Бу—қизиқ

ЧИРМОВУҚ БИЛАН САКРАШ

ҲАР йили Янги Гебрид оролларида ўзига хос спорт байрамлари ўтказилади. Мусобақадан олдин тепаликлардан бирининг ёнбағридан баланд дарахт танланади. Ён-атрофи ҳайдалиб, тош ва илдизлардан тозаланади. Дарахт минора ясаш учун асос бўлади. Миноранинг ҳар бир босқич (саҳн)ига учида сиртмоғи бўлган иккитадан чирмовуқ (лиана) боғлаб қўйилади. Энг юқори босқичнинг ердан баландлиги 30 метргача боради.

Байрам куни орол аҳолиси мазкур тепаликка йиғилади. Қабила бошлиғининг ишораси билан одамлар давра қуради, ноғоралар чалиниб, ҳамма рақсга тушади ва ашула айтиб, минора остига етиб боришади. Кейин байрамнинг иккинчи қисми — чирмовуқ билан сакраш бошланади.

Миноранинг ердан етти метр баландликдаги энг қуйи босқичига саккиз яшар бола эпчиллик билан чиқиб олади. Қариндошларидан бири у билан бирга чиқади, чирмовуқ сиртмоғини боланинг оёғига кийгизиб (боғлаб) қўяди. Бола ана шу биринчи босқичдан ўзини ерга отади. Кузатувчига гўё у боши билан ерга санчилаётгандек туюлади. Аммо бошн ерга тегар-тегмас чирмовуқлар таранг тортилиб, болани яна юқорига итқитади.

Шундан кейин довюрак спортчилар бирин-кетин минорага чиқа бошлайдилар. Энг юқори босқичдан сакраш байрамнинг қизиқарли қисми ҳисобланади. Довюраккa қизлар гулдаста тақдим қилишади.

Спортнинг бу турида жасурлик ва довюраклик талаб қилинниши билан бирга, амортизатор вазифасини ўтовчи чирмовуқнинг узунлигини аниқ ҳисоблаб чиқиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки сакровчининг ҳаёт-мамоти, тақдири чирмовуқ узунлигининг аниқлигига боғлиқ. Миноранинг энг юқори босқичидан сакраган шахс Янги Гебрид бўйича энг довюрак киши ҳисобланади.

Ш. САЪДИЕВ тайёрлаган.

ШАТРАНЖ АЖОЙИБОТЛАРИ

ХАЛҚАРО мусобақалардан бири тугагач, гроссмейстер Боголюбов маъруза қилиб, Алёхиннинг шанига танқидий мулоҳазалар билдирди. Бунга жавобан, Алёхин тушида кўрганларини айтиб берди. Гўёки у вафот этиб, жаннат дарвозасига олиб борилибди.

— Алёхин ўзи ким бўлган? — деб сўрабди авлиё Пётр.

— Шахмат устаси, — деб жавоб қилишибди.

— Шахмат устаси денг?! Афсуски, бундайлар жаннатга қўйилмайди.

Бу сўзларни эшитган Алёхин, атрофга аланглаб таянма стулда ўтириб, қанот қоқаёт-ган эски рақибн Боголюбовни кўриб қолибди.

— Нега бўлмаса Боголюбов жаннатда, у ҳам шахмат устаси-ку? — қизиқиб сўрабди Алёхин.

— Ундай эмас, азизим, — жавоб берибди Пётр. — У шундай деб ўйлайди, холос!

* * *

УЙИНДА энг эрта «дуранг» тақлифи 1935 йил жаҳон биринчилиги учун ўтказилган Алёхин — Эйве учрашувида қайд қилинган. Охирги партия олдидан ҳисоб 15:14, Эйвенинг фойдасига эди. 30-партия бошланишига келган голланд.диялик гроссмейстер рақибига шундай деди:

— Доктор Алёхин, бу партияда мен, исталган пайтда ва ҳар қандай ҳолатда, дурангга розиман!

Алёхин ғалаба учун қанчалик тиришмасин, ўйин барибир дуранг билан якунланиб, Эйве жаҳон чемпиони бўлди. Учрашувдан сўнг «Биринчи юришда дуранг таклиф қилиш, бир мунча эртамасмикан?» деган гаплар қулоққа чалинди.

* * *

ЛАТВИЯ — Эстония мусобақаларининг бирида, жаҳон чемпиони Таль биринчи тахтада Кересга қарши дона сурарди. Ўйинининг биринчи дақиқаларида у рақиб донасини уриб олди. Керес хомуш ҳолда ўрнидан турнб, камзулини ечди-да, стул суянчиғига ташлаб қўйди. Жойига ўтириб, бир оз мулоҳаза қилгач, сипоҳини қайтариб олди ва устунликни қўлдан бермай, ўйинда ютиб чиқди.

— Мен ҳамма варнантларни чамалаб чиққан эдим, — деди Таль рақибнни табрикларкан, — буни қарангки, камзулингизни ечиб қўйишингизни хаёлимга ҳам келтирмабман.

Тоҳир МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

26 ВА 27 МАЙ СОАТ 10.00 ДА
Ўзбекистон Маданият фонди

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЕДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ КЕНГАШИ

«ИЖОД СЕҲРИ — КЎЗ ЎНГИНГИЗДА»

II ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Манзарали-амалий санъат соҳасида ижод қилувчи қадимий касб-корларнинг давомчилари бўлмиш халқ усталари ўз сирларини очадилар.

Кўҳна чолғу асбоблари, миллий ошхона анжомлари, сўзаналар, дўппилар, ўйинчоқлар, пичоқлар ва бошқа жуда кўп ранг-баранг буюмларни кўриб, харид қилишингиз мумкин.

Уста новвойлар кўз олдингизда муқаддас нонинг қандай яратилишини намойиш қиладилар.

Маданий фольклор ансамбллари иштирок этишади.

Масканимиз: Абул-Қосим мадрасаси (В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройининг орқасида)

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқа қилувчи

«АГРООСТ» КИЧИК ТЕХНОЛОГИК ИДОРАСИ

ҳамда Ўзбекистон Маданият вазирлиги Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари Жумҳурият илмий-методик марказ ҳамкорлигида тўй ва бошқа маросим ўтказувчиларга маданий-маиший хизмат қилиш мақсадида

«ҲОЖАТРАВО»

ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

МАЗКУР УЮШМАДА ДОИМИЙ ВА ШАРТНОМА АСОСИДА ИШЛАШНИ ҲОҲЛАГАН МУТАХАССИС ВА САНЪАТКОРЛАР УЧУН

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Созандалар ва хонандалар, ўртани олиб борувчилар, ошпазлар, видео тасвирга туширувчилар, радистлар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

ХОҲЛОВЧИЛАР ЯКШАНБА КУНИДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Чилонзор кўчаси, 2—А уй. (153, 180, 181-автобуслар, 7-троллейбуснинг «1-Кўприк» бекати). Телефон: 45-36-58.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ШУҲРАТ»

УМУМШАҲАР САНОАТ МОЛЛАРИ МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ноозиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган гуруҳларга

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛНИ ЎТКАЗМОҚДА

10-синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган 17—25 ёшдаги қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Битирувчилар шаҳарнинг савдо корхоналарига ишга йўлланадилар. Ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларга имтиёзли шартлар билан Тошкент совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига кириш имконияти берилади.


Мактаб-магазиннинг макони: Тошкент, Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, 15-уй. Транспорт: 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларда, 50, 70, 75, 79, 94, 182, 187-автобусларда борса бўлади, метронинг «Чилонзор» станцияси.

Маълумотларни 75-58-77 телефони орқали олиш мумкин.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ЧИЛОНЗОР НОҲИЯСИДА ЯШОВЧИ ҲАМШАҲАРЛАР ДИҚҚАТИГА!



Агар хонадонингизда холодильник, кир ювиш машинаси, чанг ютгич ёки тикув машинаси бузилиб қолса, ҳеч ҳам ташвишланманг.

Сизга Тошкент «Рембиттехника» бош корхонасининг малакали усталари бажонидил ёрдам беришади.

УСТАХОНАЛАР МАНЗИЛИ: Олмазор кўчаси, 14-уй, телефонлар 45-77-49, 45-77-50.

И. Франко кўчаси, 63-уй. Телефон—76-89-97.

«Москва» кафеси. Телефон — 72-85-14.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ишчи касбларидаги ёлғиз эркаклар ва аёлларни

«ТАГАНРОГ КОМБАЙН ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ТАГАНРОГ ТЕМИРЧИЛИК-ҚУЮВ ЗАВОДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат шартномаси 1—2 йил муддатга тузилади.

Ишлаш учун борувчиларга бир марталик нафақа, темир йўлда бориш ҳақи, йўлда бўлинган вақт учун кеча-кундузлик харажатлар тўланади, шинам ётоқхонадан жой берилади.

Касбга эга бўлмаганлар корхона ҳисобидан ўқитилади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уйга ва шаҳар район ижроия комитетлари ҳузуридаги район ишга жойлаштириш бўлимларига мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон Ленин РК ЛКСМ қошидаги

«СПЕКТР» ёшлар ижоди бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29 май соат 17.00 ва 20.00 да

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

«КЎЗГУ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» ғолиблари: Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ.

Самарқандлик хушовоз хонанда

МАВЖУДА БАҲРИЕВА

Раққоса Миновар ИБРАГИМОВА.

Билетлар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилади.

Справкалар учун телефон — 45-93-63.

Концертдан тушган маблағ янги мачит қурилишига ўтказилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда
Ғиёс БОЙТОЕВ
ВА
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕДОВ
иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/V да **Масхарабозлар**, 26/V да **Севги тумори**, 27/V да **Анда** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/V да **Хотинимнинг эри**, 26/Vда **Табассум оқшоми.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»Ч ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/V да **Паранжи сирлари**, 26/V да **Фармонбиби араздаи.**

КИНО

25 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (16, 18.30, 20.45).

Нукус — «СИТОРА» (18.30, 20.45).

Восток — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ГУ-ГА» (20.40).

М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «БЕНУҚСОН ЖИНОЯТ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (17.00); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

26, 27 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Нукус— «СИТОРА» (11, 13.30, 18.30, 20.45).

Восток — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ГУ-ГА» (20.40).

М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «БЕНУҚСОН ЖИНОЯТ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17.00); «МЕНИНГ ЭРИМ —ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

«УЗСПОРТКОНЦЕРТ» ВИРЛАШМАСИ

28 май соат 16, 19.30 да

— «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА ЭКСТРАСЕНС ШИФОКОР

ГЕОРГИЙ ТИОСС (Москва шаҳри)нинг ЧИҚИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: гипноз сеанслари туркуми, оғриқ ҳиссини йўқотиш, зарарли одатларни тарк эттириш каби муолажа турлари мавжуд.

Билетлар тадбирлар ўтказиладиган жойларда сотилади.

39-47-22 телефони бўйича оммавий талабномалар қабул қилинади.

«Битовик» боғдорчилик-узумчилик ҳамкорлигининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Кооператив асосидаги «Учрашув» тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарнинг чиқиндиларни шаҳар ахлатхонасига чиқариб ташлаш ҳуқуқини берувчи талонлари 1990 йилнинг 20 июнига қадар ўз кучига эга эканлигини хабар қилади. Кўрсатилган муддатдан сўнг фойдаланилмай қолган талонлар қайта қабул қилинмайди. Телефон 54-37-26.

«УЧРАШУВ» ТАРМОҚЛАРАРО ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси қошидаги Бош ҳисоблаш маркази ходимлари корхона ҳайдовчиси С. Мақсудовга онаси

Пўлатой МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 03245.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.